



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил февраль ойининг 3 куни, жиноят ишлари бўйича Бухоро туман судининг сайёр суд мажлиси Бухоро туманидаги “Гулшанобод” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, раислик қилувчи Ф.Ф.Қаҳоров, судья ёрдамчиси Ф.Бафоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Бухоро туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Ядгаровнинг иштирокида, [REDACTED] нисбатан бўлган 1-2002-2101/125-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] 1992 йил 2 сентябрь куни Бухоро туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Бухоро туман судининг 2016 йил 13 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, 2016 йил 12 октябрдаги амнистия актининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинган, ЖКнинг 77-моддасига асосан судланмаган шахс ҳисобланади, Бухоро вилояти, Бухоро тумани, “Гулшанобод” м.ф.й., “Тўхсабой” қишлоғида яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 6 январда жиноят ишлари бўйича Бухоро туман судидан олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми “Г” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара, судланувчининг ҳимоя-музокара ва охирги сўзларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 2021 йил 1 ноябрь куни соат 00:00ларда ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Бухоро тумани “Гулшанобод”, м.ф.й., “Тўхсабой” қишлоғи, 37-уй манзилида жойлашган фуқаро [REDACTED] яшаш уйига ғайриқонуний равишда кириб, уйнинг омборхонасидаги газ плитаси устида турган фуқаро [REDACTED] тегишли 1 (бир) дона баҳоси 500.000 сўмлик, кўк рангли “МАКИТА” русумли болгаркани ва 1 (бир) дона баҳоси 45.000 сўм бўлган 15 (ўн беш) метр узунликдаги қора рангли кабелларини яширин равишда ўғирлаб олиб, ҳодиса жойидан яширинган.

Судда сўралган судланувчи [REDACTED] ўзига қўйилган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, у турли жойларда таъмирлаш ишлари билан шуғулланиб келиши, бир неча маротаба ишлаш мақсадида Россия Федерациясига борганлиги, рўзғорини устачилик билан шуғулланиш орқали юритиб келаётганлиги, қишлоғида яшовчи Рўзи амакининг ўғили Суннат билан биргаликда ишлаганлиги, [REDACTED] т ҳам устачилик билан шуғулланиб келиши, у ҳозирги пайтда [REDACTED] ишлаш мақсадида кетганлиги, у унинг уйига бир неча маротаба кирганлиги, уни уйининг омборхонасида балгарка сақлаб келишини билганлиги, ўзи бир неча маротаба балгаркани ўша ерга қўйган пайтида гувоҳ бўлганлиги, 2021 йил 1 ноябрь куни соат тахминан 00:00ларда у уйда ўтириб, [REDACTED] уйининг омборхонасида балгарка сақлаб келиши ва уйнинг орқа томони очиклиги эсига тушганлиги, шундан сўнг унда ўғирлик қилиш мақсади пайдо бўлганлиги, ўзи яшайдиган уй билан [REDACTED] уйи орасидаги масофа тахминан 500-600 метрни ташкил қилиши, шундан сўнг уйдан чиқиб, [REDACTED] уйи орқа томонидан пиёда юриб борганлиги, уйнинг орқа томонидан, яъни захкаш томонидан бориб, уйнинг ҳовлисига кирганлиги, уйнинг ҳамма жойи қоронғу ҳолатда бўлиб, у секинлик билан омборхонагача борганлиги, омборхона эшиги очик ҳолатда эканлигидан фойдалиниб, эшик орқали ичкарига кирганлиги, аммо чироқни ёқмаганлиги, ўша ердаги газ плитаси устида бир дона кўк рангли балгарка турганини кўриб, ушбу балгаркани олганлиги, унинг ёнида бўлган қора рангли кабелни ҳам олиб чиққанлиги, шундан сўнг келган йўналиши бўйлаб қайтиб уйига кетганлиги, ўғирлаб олган нарсаларни уйининг омборхонасига қўйганлиги, оила аъзолари бу пайтда уйда бўлсаларда, аммо кеч бўлганлиги сабабли ухлаб ётганлари, эртаси куни эрталаб ИИБ ходимлари унинг уйига келиб, уни ИИБга олиб келганлари ва нимада гумон қилинаётганлигини маълум қилганлари, шундан сўнг у уларга бўлган ҳолатни айтиб бериб, кечирим сўраганлиги ва тушунтириш хати ёзиб берганлиги, ўзига балгарка кераклиги сабабли ўғирлик содир қилганлиги, содир қилган айбини тўлиқ тан олиши, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, бошқа бу каби ҳолатларни такрорламаслигини билдириб, унинг оилавий шароитини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд, судланувчи [REDACTED] суд мажлисида ўзига қўйилган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-

да, унинг айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар мажмуи билан исботланган деб ҳисоблайди:

судда сўралган жабрланувчи [REDACTED], у уйининг омборхонасидаги кўк рангли болгаркани уйдаги хўжалик ишлари учун ишлатиб юргани, болгаркани охирги мартаба 2021 йил октябрь ойи охирларида кўргани, болгарка уйининг омборхонасидаги газ плитаси устида тургани, ёнида қора рангли кабеллар ҳам бўлгани, 2021 йил 1 ноябрь куни эрталаб, соат тахминан 09⁰⁰ларда омборхонасига болгаркани кидириб кирган вақтида, болгарка у қўйган жойда йўқлигини кўргани, шундан сўнг оила аъзоларидан болгаркани бирор кишига бериб юбормаганликлари ҳақида сўраганида, улар унга болгаркани ҳеч кимга бермаганликлари ҳақида айтганликлари, шундан сўнг уйининг атрофини кўздан кечириб, омборхона олдида бегона пойафзалнинг оёқ изларини кўргани, шундан сўнг уйига ўғри тушганини билиб, ИИБга ариза билан мурожаат қилгани, орадан бироз вақт ўтиб, ИИБ ходимлари уйига келиб, уйини кўздан кечиргани, кенчалик унга тегишли бўлган болгарка ва кабелни [REDACTED] ўғирлаб олгани ҳақида хабар топгани, ҳозирги кунда [REDACTED] қилмиши учун кечирим сўраб, унга тегишли бўлган болгарка ва кабелни қайтариб бергани, шу сабабли [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб берган кўрсатуви билан;

шунингдек, ишда мавжуд бўлган 2021 йил 1 ноябрда Бухоро туман ИИБнинг Ф-2 китобида 1545-сонли рақам билан қайд қилинган хабар (и.в. 3-бет), жабрланувчи [REDACTED] аризаси (и.в.4-бет), воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадваллар (и.в. 5-11-бетлар), нарсани кўздан кечириш ва текшириш учун олиб қўйиш баённомаси (и.в.16-бет), нарсани таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.34-35-бетлар), жабрланувчи Р.Ғуломовнинг тилхати (и.в.36¹-бет) ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган бошқа инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан тўлиқ исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари бўлиб, оиласида ягона боқувчи эканлиги, етказилган зарарларнинг қопланганлигини, жабрланувчининг ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, уни кечиришни сўраб судга қилган мурожаатини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топади.

Суд, судланувчи [REDACTED] ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти

тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”-деб қайд этилган.

Ушбу Қарорнинг 37-банди 3-хатбошисида “Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин”-деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини тайинлашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари бўлиб, оиласида ягона боқувчи эканлиги, етказилган зарарларнинг қопланганлигини, жабрланувчининг ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, уни кечиришни сўраб судга қилган мурожаатини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, унга Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан модда санкциясида назарда тутилган жарима жазоси тайинлашни ва жаримани давлат фойдасига ундиришни лозим топади.

Шунингдек, суд, иш юзасидан ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, ҳужжатлаштириб олинган 1 дона “Макита” русумли болгарка ва 1 дона 15 метр узунликдаги қора рангли кабелларнинг дастлабки тергов даврида жабрланувчи [REDACTED] тилхат асосида қайтарилганлигини ва жабрланувчи [REDACTED] ҳеч қандай даъвоси йўқлигини инобатга олишни ҳамда судланувчи [REDACTED] судда ҳимоячидан воз кечиш жараёни видео тасвири туширилган бир дона дискни жиноят ишида сақлашни белгилашни лозим деб ҳисоблайди.

Юқорида баён қилинганларга асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471, 497¹-497⁴-моддаларига амал қилиб, суд ҳукм қилади:

Ҳ У К М

[REDACTED]
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 (йигирма) бараварида, яъни $(20 \times 270.000 = 5.400.000)$ 5.400.000 (беш миллион тўрт юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Судланувчи [REDACTED] нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор ва гаров сифатида қўйилган 5.500.000 (беш миллион беш юз минг) сўм пуллар [REDACTED] ўзига қайтарилсин.

Иш юзасидан ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, хужжатлаштириб олинган 1 дона “Макита” русумли болгарка ва 1 дона 15 метр узунликдаги қора рангли кабелларнинг дастлабки тергов даврида жабрланувчи [REDACTED] тилхат асосида қайтарилганлиги ва жабрланувчи [REDACTED] ҳеч қандай даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Судланувчи [REDACTED] судда ҳимоячидан воз кечиш жараёни видео тасвири туширилган бир дона диск жиноят ишида сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан 20 (йигирма) сутка муддат ичида жиноят ишлари бўйича Бухоро туман суди орқали Бухоро вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:
Нусхаси аслига тўғри.

(имзо)

Ф.Ф.Қаҳоров

Раислик қилувчи:

Ф.Ф.Қаҳоров